



САБР, МАТОНАТ ВА МУҲАББАТ 2 ▶

ПОЛВОН БОБО



4 ▶



ШАЖАРАНИБИЛИШ ХОСИЯТИ

5 ▶

ТАБАССУМ ҲАМ МУКОФОТ АСЛИ



8 ▶

БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Маъсум куз минг ёшли донишманд сифат,
Оҳиста ғудранар кўзларин юмиб,
Ҳар бир лаҳзасида гўзал бир ҳикмат,
Унга тўймаяпман тинглаб, тикилиб.

Чорн АВАЗ

ЎзА сурат-лавҳаси

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
Ошшагонинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга

2016 йил учун обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176

MT MATBUOT tarqatuvchi

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зимма-мизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмақда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"!

Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



Реклама ўрнида

САБР, МАТОНАТ ВА МУҲАББАТ

Истиқлол фарзандлари

Чемпион қиз Мафтуна Толибовани юқори марралар сари етаклайди

Муроджон акани тўнғичи — Мафтунанинг кўп касал бўлаётгани хавотирга солар, ўзи анча йиллардан буён таэквондо бўйича мураббий бўлиб ишлаётгани боис қизини ҳам машғулотларга қизиқтиришни, шу орқали унинг саломатлигини тиклашни дилига тугди. Дастлаб машғулотларда бироз қийналган 9 ёшли қизалоқ аста-секин спортга меҳр қўя бошлади. Машғулотларда мунтазам қатнашгани учунми, кундан-кунга саломатлиги ҳам яхшилана бошлади. Бўйи чўзилиб, анчагина тўлишиди. Машғулотлардаги қийинчиликларни сабр, матонат билан енгитишга ўрганди. Иродаси мустаҳкамланди. Орадан саккиз ой ўтиб, Мафтуна вилоят миқёсида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Бу ёш спортчининг илк галабаси эди.

Олтинкўл туманидаги 7-мактаб ва Олтинкўл хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежидан ўқиб юрган кезларида ҳам унинг қалбида спортга бўлган меҳр ва иштиёқ асло сўнма-

ди. Аксинча, турли мусобақа ва спорт байрамларида, “Камолот” ЁИХ туман кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларда ўзининг чиқишлари билан иштирок эта бошлади.

— Мен машғулотлар жараёнида чиникдим, — дейди Мафтуна. — Спорт билан ҳамнафас бўлиб улгайганимдан ҳамиша хурсандман. Ўзимни бошқа йўналишда тасаввур ҳам қилолмайман. Менда таэквондога нисбатан қизиқиш уйғотган, машғулотларда галаба сари руҳлантириб, ҳамиша далда бергани учун албатта, биринчи навбатда дадамдан миннатдорман. Чунки шундай даражага эришишимда у кишининг хиссалари катта.

Ҳа, Муроджон ака қизи-



га ўн йилдан зиёд вақт мобайнида таэквондо бўйича сабоқ берди. Рақибни қандай қилиб енгитиш, мусобақа ва беллашувлар жараёнида ўзини қандай тутишни, ҳуллас, бу шарқона спорт турининг сир-асорини кунт билан ўргатди. Бу дарс машғулотлари Мафтунага спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритишда асқотди. Мафтуна Толибова шу кунга қадар та-

эквондо ITF бўйича беш карра Ўзбекистон, бир карра Осиё ва жаҳон чемпиони деган фахрли номга сазовор бўлди. Бундан ташқари, у ўтган ва жорий йилда таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган Жанубий Кореяда очиқ турнирнинг яққалик ва жамоа баҳсида 2-ўринни эгаллади.

Эндиликда Мафтуна Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси. Устози Александр Ниқумбаев маҳоратини ошириб бораётир.

— Бугун юртимизда биз ёшларнинг, хотин-қизларнинг спорт билан астойдил шугулланиши учун замонавий спорт мактаблари ва заллари муҳайё. Бунинг учун энг аввало, муҳтарам Президентимизга, она халқимга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Мақсадим Ватанимиз шонини юксакларга кўтаришидир.

Айни пайтда шижоат ва аниқ мақсад билан эзгу орзулари томон интилаётган Мафтунанинг нияти амалга ошиши, шубҳасиз. Чунки, унда ўзига бўлган ишонч, сергайратлик ҳамда спортга меҳр мужассамдир.

**Мироллим ИСАЖОНОВ.
Рустамбек АРАББОВ**
олган сурат.
Анджон вилояти.

ТИЛНИ СЕВГАН ЭЛНИ СЕВАР

Нишон саноат-энергетика касб-хунар коллежи ўқувчиси Вазира Нуриддинова мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, ўқиб-ўрганиши учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, она тилимиз ва унинг сержли имкониятлари борасида бир қатор изланишлар олиб бормоқда.

У Нишон туманидаги 35-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан тенгдошларидан ажралаб турарди. Айниқса, она тили ва адабиёти фанига меҳри бошқача. 2010-2011 ўқув йилларида мазкур фан бўйича “Билимлар беллашуви”нинг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган эди.


— Биз озод ва обод юртимизнинг эрка фарзандларимиз, — дейди Вазира Нуриддинова. — Энг муҳими, интилиш ва изланишларимизнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмапти. Шу боис ақлу идрокимизни, иқтидоримизни дадил намоеън этишга интиляпмиз.

Фан олимпиадаларида, ёшлар ўртасида ўтказилаётган кўплаб кўриктановларда чарчланаётган Вазира келажакда она тилимизнинг имкониятларини янада кенгрок тадқиқ этиш йўлида ўқиб изланмоқда.

— Одамнинг нимага қодирлиги ёшлигидаёқ юзага чиқади. Биз ўқитувчилар буни тез англаймиз, — дейди Нишон туманидаги 35-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Хурсаной Менглиева. — Вазира 5-синфда ўқиётган кезлари дарсдан кейин олдимга келиб, ўтилган мавзуга оид саволларни беришдан чарчамасди. Шунда бу қизнинг тилга ҳавасини сезганман. 7-синфда ўқиётган пайти “Билимлар беллашуви”нинг республика босқичида голиб бўлди. 9-синфда эса фан олимпиадасининг худудий босқичида 1-ўринни эгаллади. 2013 йилда “Ўзбек тилида тақлидлар” номли китоби эса она тилимизни янада бой-

тишга қўшилган ҳисса бўлди, деб ўйлайман. Мазкур китобда Вазира “Хўроз қичқирғи ёки сўзларнинг пайдо бўлишида миллийлик”, “Тақлидлар гап бўлага вазифасида”, “Тақлидларнинг “олмош” иши” каби мавзуларни ёритиб берди.

— Менинг бу кичик ишларимни дунёга тадбиқ этилаётган ака-опаларимизнинг илмий ишлари олдида гўёки денгиздан бир томчи холос, десак тўғри бўлар, — дейди Вазира. — Тилни ўрганишига атрофимиздаги инсонларнинг ўзаро муносабати сабаб бўлган. Фазал ёки шеърни тинглаётган одам қанчалар маънавий бойлик олса, сўзларнинг тартибсизлиги, тушунарсизлиги ҳамда жумлалардаги гализлик шунча ғашга тегади. Масалан, бой ва сержило тилимиздаги қариндош-уруғларнинг номланишига эътибор берайлик: ота-она томон қариндошларни амма, амаки, хола, тоға деб ажратамиз. Шунингдек, тилимизда “Тоға отанинг ўринини босади”, “Холанг — онанг” каби мақоллар ҳам бор. Европа тилларида эса қариндошларни бундай фарқлаб ифодаловчи сўзларни учратмайсиз. Тилимизнинг ана шундай бетакрор жиҳатлари мени завқлантиради.



Ёш бўлишига қарамай, халқимизнинг миллий бойлиги — тилини тадқиқ этишга киришган Вазира долзарб мавзулардаги мақолалари мутахассислар ва жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, “Эзгуликка йўлловчи битиклар” номли тўплами ҳам чоп этилган.

— Шеърый китоблар ўқиш, шоирнинг ундаги безаклар билан жилваланган сўзларини ўрганиш менга жуда ёқади, — дейди қаҳрамонимиз. — Тилимизнинг бойлигини, сўзларнинг нечоғлик ноциклиги ва, ҳатто, биргина ўзгарган сўз ёки ҳарф гапга бошқача бир ифода бериши мумкинлигини адабиётни ўрганиб билиш мумкин. Базми тенгдошларим ўзаро муносабатларда гарб сўзларини аралаштириб, жуда ғариб бир шеваларда гаплашаётганига гувоҳ бўламан. Худди ана шундай ёшлар соф ўзбек тилида чиройли сўзлаётган дўстларимизга ҳавас қилганини ҳам кўрганман. Биз ёшлар китоб ўқибгина тилимиздаги нуқсонлардан халос бўлишимиз мумкин. Мутолаа инсоннинг нутқини соф ва чиройли қилиши билан бирга фикрини тевранлаштириб, тафаккур ва билимининг кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Тилимизни бойитиб, асрашга интилаётган ёш тадқиқотчининг муваффақиятли изланишлари келажакда янада юксалиб, илм-фанга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади десак, хато бўлмайди.

Камола РАХИМХЎЖАЕВА.

Тадбир

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёш авлодни миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялашда хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари ролини янада кучайтириш мақсадида Наманган шаҳрида “Миллий либос — маънавият кўзгуси” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Наманган вилоят ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Азизова сўзга чиқиб, хотин-қизлар кўмиталарининг нуфузи йилдан-йилга кучайиб бораётгани, айни пайтда, вилоятда фаолият кўрсатаётган 4700 та бошланғич ташкилотлар зиммасига оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштириш, аёллар, айниқса, ёшлар онгига миллий анъаналарга хурмат ҳиссини сингдириш, жамиятда учраб турган айрим муаммоларга ҳамкорликда ечим излашдек масъулиятли ва жиддий вазифалар юклатилаётганини алоҳида таъкидлади. — Тадбирга шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла маслаҳатчилари, отиноиллар, бошланғич ташкилотлар раислари, фаол хотин-қизлар, шунингдек, моҳир тикувчилар, аёллар кийим-кечаклари билан савдо қилувчи дўконлар эгаларини тақлиф этдик. Бу бежиз эмас. Чунки “оммавий маданият”, ўзга миллат кийиниш услуби четдан келтирилган аёллар бош ва устки кийимлари билан бирга кириб келяпти. Бу ҳолга чек қўйиш учун маҳоратли тикувчиларимиздан ҳам миллийлик, ҳам замонавийлик уйғунлашган либосларни яратиш талаб этилади. — деди Манзураҳон Азизова.

Тадбир “Ёр-ёр” фольклор-этнографик дастаси томонидан миллий урф-одатларимиздан бири “Келинсалом”нинг ихроси билан давом этди. Даста аъзоларининг миллий либослари барчага манзур бўлди.

“Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги, қизлар ўртасида эрта турмуш қуришининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилаётган натижалар хусусидаги маърузалар барчада катта таассурот қолдирди. Таълим муассасаларида ташкил этилган “Ораста қизлар” ва “Зумрадойлар давраси” тўғарақлари аъзолари томонидан турлича услуб ва йўналишда яратилган, атлас ва адрас матоларидан тикилган миллий либослар намойиши ўтказилди.

Тадбир ниҳоясида “Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” кўриктанловининг вилоят босқичи голиблари тақдирланди.

**Ш. ТОШБЕКОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.**

АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН

Юз билан юзлашганлар

Бугунги осуда, дориланон кунларга этиб келгунча қанчадан қанча ота-боболаримизнинг умрлари завол топган, шахид кетишгани ҳақида кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Мингбулоқ туманидаги "Қўриқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 90 ёшли Абдураҳим ота Раимов ҳам ана шундай, мураккаб тақдирнинг кўплаб синовларига гувоҳ инсонлардан бири.

Дарвоқе, ҳозир туманда тўрт нафаргина Иккинчи жаҳон урушининг жонли гувоҳлари яшашпти.

— Мендан олдин, 1942 йилда Абдукарим акам урушга жўнаб кетганди, — дея ҳикоясини бошлайти отахон. — Ундан кетма-кет еттита хат олдик. Саккизинчиси... «қора хат» бўлди...

Бу кўргиликни қариб қолган отам кўтаролмасди. Шунинг учун у кишига бу нохуш хабарни сездирмадик. Орадан кўп вақт ўтмасдан менга ҳам чақирув қоғози келди. Ушанда 1943 йилнинг қиши, мен навқирон 17 ёшда эдим.

Сирдарёдан урушга жўнаб кетдим. Ўзим кўрган даҳшатли жанглар шиддатини, унинг манзараларини тасвирлаб беришим жуда оғир...

Абдураҳим ота бироз тин олиб, хаёлга берилди. У балки жанглар чоғида кўз ўнгида ўқларга нишон бўлган сафдошларини хотирлаётгандир? Балки неча марта ўқ ёмири остида қолган бўлса-да, жонини омон асраган, шундай кунларга етказган Яратганга шукрона айтаётгандир?

— Урушдан ярадор бўлиб қайтиб келсам, дадам анча кексаиб қолибди, — дея ҳикоясини давом эттиради отахон. — «Даволангач, яна қайтиб кетаман», дедим. Ҳали дийдоримга тўйиб улгурмаган дадам яна кетишимни истамас, шунинг учун мени олиб, туманимиз раҳбарга хузурига олиб борди. Вазиятни тушунтирди, онамининг ёшлигимда вафот этиб кетгани, ўзининг кексалиги, энди укаларимга

бош бўлишим кераклигини айтди. Отамга раҳми келди, раҳбар мени вилоят ҳарбий комиссариатига юборди... У ерда ҳужжатларни расмийлаштиришди, ҳарбий хизматга қайтиб бормадим. Кейин очарчилик, қаҳатчилик даврлари келди...

— Ота, фарзандларингизнинг айтишларича, кампирингиз билан ёшлиқда севишиб турмуш қурган экансизлар. Муҳаббатингиз қишлоқда анча шов-шув бўлган экан. Келинг, ўша пайтларни бир эсланг, — деймиз суҳбатни давом эттириш истагида.

Саволимизни эшитиб, бирдан отанинг нурли чеҳрасида табассум пайдо бўлади. Сўнг овозида бироз ҳаяжон сезилган ҳолда сўзлай бошлайти:

— Раҳматлининг исми Тожихон эди. У мени етти йил кутган. Бу айтишгагина осон. Етти йиллик ҳарбий хизмат давомида у ҳақда кўп ўйлардим. Лекин уни аллақачон узатиб юборишган бўлса керак, дердим. Қишлоққа қайтсам, ҳали турмушга чиқмабди. Совчи жўнатдим. Онаси қизимни бир жиянимга унаштириб қўйганмиз, деб жавоб берибди. «Эссиз, шунча кутган яна бироз кутмабди-да. Барибир, тақдиримиз қўшилмаган экан-да», дедим ўзимга ва тақдирга тан бердим.

Бир куни қўшнимиз мени бир сабаб билан уйига чақириб қолди. Ховлисига кирсам, уй томонни имлаб кўрсатди. Кирдим. Не кўз билан кўрайки, у ерда Тожихон турарди.

— Нима бўлди? — дедим мен шилиб.

— Яна совчи юборинг, — деди у.

— Ахир, сени бошқага...

— Ёлгон. Совчи жўнатинг!

Тожихон шундай деди-ю, уйдан ўқдай отилиб чиқиб кетди...

Шундай қилиб, турмуш курдик.

— Ота, Сирдарёдан урушга кетгандим, деяпсиз. Наманган туманига қачон кўчиб келгансизлар?

— Ота-онам асли мана шу қишлоқлик бўлишган. Бир замонлар

вақт бу дунёни тарк этиб, бағримизни куйдирди-да... На илож, улардан қолган зурриётлар — набираларимнинг умри узоқ бўлсин...

Инсоннинг боши тошдан бўларкан. Умрини берса, ажалнинг оғзидан ҳам тирик қайтаркан. Ҳар қандай ғам-ташвишга бардош бераркан. Чунки сабрга сунаркан одамимиз...

Болаларим ҳозир яхши жойларда ишлашпти. Муборахон кўп йиллар ҳамширалик қилди, ҳозир нафақада. Санобар ўқитувчи бўлди, Турсунбой техникага қизиқди. Саломатхон банкда ишлайти. Баҳромжон — ҳунарманд. Невараларим 13 нафар, 6 эвара ҳам кўрдим. Уларнинг бахтидан, эртасидан кўнглим тўқ. Кўзим кўрмаса-да, телевизордан эшитаман, ёшларга давлатимиз томонидан қандай меҳрибончиликлар кўрсатилаётганини. Қувониб кетаман. Тинч замонга, элнинг тўкин ҳаётига кўз тегмасин!

Абдураҳим ота истиқлолни, Юртбошимизни, халқимизни узоқ дуо қилди. Бу дуоларнинг нақадар қадрли эканини ота каби урушни кўрган одамлар билан дилдан сўхбатлашган инсон янада теранроқ англайти, ҳис қилади. Уларнинг уруш ҳақидаги ҳикояларини тинглар экансиз, жасорат, мардлик, сабр-қаноат, ҳалоллик ота-боболаримиз қон-қонига сингиб кетганига яна бир қарра амин бўласиз. Бугунги осуда ва обод кунларимиз ҳақки уларни ҳар қанча ардоқлашимиз, меҳр-муруват кўрсатишимиз даркор.

Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Наманган вилояти.

Қишлоқда қачон тонг отиб, қачон кун ботишини билиш қийин: зумда ойлари йилга уланади. Айниқса, рўзғор катта бўлиб, кўзда қиш гамини ейиш, экин экиб, ҳосил йиғиш керак бўлганида баъзан дам олишга вақт йўқ. Ғаллаорол туманидаги Соврак қишлоғида яшаётган 80 ёшли Абдураҳим отанинг умр мазмуни ана шундай кечмиш билан чамбарчас боғлиқ, десак муболаға қилмаймиз.

Лекин отахон шунча юмушлардан ортиб, китоб ўқиш, илм олишдан асло тўхтамади. Шу боис мактабни тугатгач, педагогика йўналиши бўйича тахсил кўрди ва фаолиятини ўзи тахсил олган 4-мактабда бошлади. Ўнлаб йигит-қизларнинг талабалик мақомига эришишида ўзининг камтарин ҳиссасини қўшди.

— Мактабда кечган саккиз йиллик унутилмас даврларни ҳамон ёруғ хотиралар билан эсламан, — дейди **Абдураҳим ота Намозов.** — 1969 йилда Самарқанд давлат педагогика институтида лаборант, сўнг ўқитувчи сифатида иш бошладим. Орадан бир йил ўтиб, Боку давлат университетига аспирантликка қабул қилиндим. Илм шундай нарсаки, уни сендан ҳеч ким тортиб ололмаскан, йўқотиб ҳам қўймайсан. У ўз-ўзидан, сени кўнларга кўтариб бораверади. Бу оддий ҳақиқатни

да катта ўқитувчи, кафедра мудири, умумий техника факультетида декан, Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўқув-услубий кенгаши аъзоси, институт илмий кенгаши аъзоси бўлдим. Ўқитувчи билим беради, ўргатади. Лекин мен ўргатишдан кўра кўпроқ ўрга-

ЎРГАТИШ ВА ЎРГАНИШ КЕРАК



наман. Дарс ўтиш дегани китобдан ўқиб-ўрганганларини гапириш эмас, аксинча, олган билимларни изоҳлаш, тадқиқ ва таҳлил этишдан иборат му-

раккаб жараёндир.

Абдураҳмон Номозов 1979 йилда педагогика фанлари номзода, орадан ўн йил ўтгач эса физика ва меҳнат фанини ўқитиш услуби кафедраси доценти илмий даражасига эришди, «Халқ таълими аълочили» кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Институтимизда ўқув телемаркази ташкил этилган кун ёдимда. Ушанда ўтилаётган дарс яхши ўқитувчи бўлса ўнта болани қизиқтиради, лекин амалиётдаги қизғин жараён уларнинг сонини 10-20 баробар орттириши мумкин, деб ўйлаганман. — **дейди қаҳрамонимиз.** — Физика ва меҳнатни ўқитишда амалиётга, айнан фаннинг моҳиятидан келиб чиқиб жиҳозланган хоналарнинг бўлиши муҳим. Биз ана шу мақсадга эришдик. Ҳозирда ўнлаб мактабларда физика хонаси ва меҳнат устахоналари мавжуд. Буни кенг оммага тарғиб этиш мақсадида вилоятимиздаги мактабларда физика ва меҳнатни ўқитиш мавзуларига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Натижада «Физика ва меҳнатни ўқитиш

Таълим фидойилари

услуби» кафедраси ўқитувчиларга услубий ёрдам берувчи марказга айлантирилди. Жиззах вилоятидаги иккита мактабда фиалилар иш бошлаган эди.

Абдураҳмон ота кўп йиллар давомида «Зиллол» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик ҳам қилди. Бу инсонни билганлар унинг нафақат ўз касбига фидойилиги, жоматчилик орасида ташаббускорлиги, балки қадрдон оиласида ҳам чинаяк мураббий, суянч эканлигини эътироф қилади. Аёли Турдихон ая болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган. Ҳозир пенсия гаштини сураётган бу отахон ва онахонга ҳамманинг ҳаваси келади.

— Устознинг уйларида катта кутубхонаси бор. Алибек, Темур ва бошқа невараларини ёнига олиб, китоб мутоаласи, шахмат билан машғуллигини кўп кузатганман, — **дейди шогирдларидан бири Тўйчи Исмоилов.** — Бу файзли хонадондан қишлоқ аҳли ҳамда ўқитувчи-муаллимларнинг қадами узилмайди.

Мухайё ТЎЛАГАНОВА,
Жиззах вилояти.

Улоқ-кўпқари ҳақида гап кетса, чироқчиликлар Авлоёр полвон Холмирзаевни эҳтиром билан тилга олади. “Бизнинг элдан чиққан, орини бермаган полвон” деб гузурлабни кўяди. Бобонинг бугунгача босиб ўтган умр дафтарида назар ташласангиз, мардлик, чап-дастлик ва ҳалолликдан сабоқ олаверасиз.

ПОВЛОН БОБО

1930 йили Чироқчи тумани Додик қишлоғида туғилган Авлоёр Холмирзаевнинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган. У кунларни эслаганда бобонинг кўзларига мунг чўқади. Азобли йиллар, юрда очарчилик ҳукм сурар, одамлар бир бурда нонга муҳтож эди ўшанда. Йигитлар урушда. Жонжигари — ўғлини кутиб кўзлари киртайган оналар, чимилдикда чиройини кўрсатиб-кўрсатолмаган ойкелинлар, қиз-жувону, ўсмир болалар кўлида ўроқ, елкасида кетмон, дилида армон, кўзларида нафрат... бари ярим кўнгил билан яшарди.

Полвон бобонинг айтишича, ўша кезларда хатто яккамихда боғланган тулпорлар ҳам эгасини кутиб, кўз ёш тўканини кўрганлар бор экан. Қажрамонимиз ҳам ўша даҳшатли кўргилликлар заҳматидан бебаҳра қолмади. Тенгқурлари билан ғаллазор оралади, ариқ қазиб, далага экин экди. Асло тинмади. Тиниб ҳам бўлмасди. Қора меҳнат уни тоблади. Шундай болаликни бошидан кечирди чавандоз бобомиз.

Полвонлик, чавағонлик, чопқирлик бобомерос экан-да, Авлоёр бобо айна эсини таниб олти ёшли пайтида тулпорга минганини элас-элас хотирлайди. Яхшиям от бор экан. Болалиги, ўсмирлик йилларидаги оғир кунларида шу жонивор билан андармон бўлди. “От йигитнинг қаноти”, деган эди уни илк бор эгарга ўтказган отаси Холмирза чавандоз. Авлоёр бобо ўша кундан бошлаб чавандоз бўлишни, полвон бўлганда ҳам мард, ориятли бўлишни орзу қила бошлади.

Дарвоқе, полвон бобо туғилган қишлоқ туман марказидан бироз шимолда жойлашган. Атрофида Хайиткўл, Жар деган қишлоқлар бор. Бу худуддан аввал ҳам, ҳозир ҳам машҳур полвон, алп чавандозлар етишиб чиққан. Самбо бўйича собиқ иттифоқ ва Европа чемпиони Хушвақт Рўзиқулов, самбо, дзюдо ва миллий кураш бўйича спорт устаси Қаландар Аламонов, кураш бўйича жаҳон чемпиони Исоқ Аҳмедов ҳам шу элнинг фарзандлари. Яқин ўтмишда эса чавағонликда ҳам улоқ-кўпқарида ҳам етакчилик қилган Пирман полвон, Оловхон полвон, Эгамберди полвонларнинг доврўғи дoston бўлгани маълум.

Авлоёр ака ҳам ҳарбий хизматта қақирилгунча номдор чавандозлар қаторига кириб улгурган эди. Унинг жуссаси ўртамеъна бўлса-да, ҳар қандай зўр отга минса ҳам қарчиғай каби эгарга ёпишиб олар, улоққа бурғутдай ташланар ва якка айириб ташлар, тенгқурлари орасида шундай чапдастлиги билан ажралиб турарди. Армиядан қайтган полвон биринчи улоққа киришидаёқ машҳур Омондор чавандознинг тақимидан улоқни тортиб олганини бугун кекса отахонлар ҳам яхши эслашади. 1950-1970 йиллар полвон Авлоёр бобо учун хайрли бўлди. 1961 йили пойтахтимизда ташкил этилган улоқ-кўпқари бўйича биринчиликда 140 чавандоз орасида ўзининг қорабайир оти билан беш бор ғолиб чиққани, 1962 йилда Россиянинг Пятигорск шаҳрида от спорти мусобақасида Марказий Осиё вакиллари ҳамроҳлигида “қора қашқа” лақабли оти би-

лан иштирок этиб, ўзбек йигитининг от устидан нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйганини кўпчилик ҳалигача тўлиб-тошиб сўзлаб юради.

Бурунгилардан қолган нақл бор: От билан йигитга син йўқ, яъни от билан полвоннинг кучи бирлашса, унга тенг келгунчи топилмас. Ўша даврнинг зўр полвонлари, оқсоқоллари Оловхон, Пирман, Мавлон полвонлардан оқ фотиҳа олиб, чор тарафда, Сурхону Самарқандда ўтадиган тўй-кўпқариларда фақат бирин-



чи рақамли улоқчи бўлиб, қўша-қўша совринларни ўзиники қилгани, энг муҳими, ориятни устун қўйиб, от сурганини нафақат ҳамқишлоқлари, балки, бутун Қашқадарё воҳаси гурур билан тилга олгани бежиз эмас. У шундай чавандоз бўлиб етишдики, олтимиш, хатто етмиш ёшида ҳам кўпқарига кирса, бир-икки тақим қилиб, мухлисларни ҳайратда қолдирганини бугун полвоннинг шоғирдлари, яқинлари яхши эслади.

Дилмурод полвон Номозов:

— Ёшлигимизда қаерда кўпқари бўлса эринмасдан бориб, Авлоёр полвоннинг чиқшини томоша қилардик. Кўпқари даврасида полвон бобо минган от ҳам, унинг ўзи ҳам биз учун яқол қахрамонлик намунаси эди. Бошқа чавандозлар полвон бободан ўтиб улоқ айирганини камдан-кам ҳолларда кўрганмиз. Отни эъозлаб, унга меҳр кўрсатиш, зарур бўлса ҳар мақомга йўғалатиш санъатини ундан ўрганиш даркор эди. Авлоёр полвондек бўлишни истардик, унга ҳавас қилардик.

Жовли полвон Рўзиқулов:

— Полвон бобонинг ҳаёт йўли нафақат Додик қишлоғи, балки барча ёшлар учун ибратли десам, янглишмаган бўламан. Ютуқлари ҳақида гапирсак бир китобга сиғмайди. У киши улоқни тақимга олмасдан, чилвир ип ишлатмасдан, ҳалол айириб, олқишларга сазовор бўларди. Полвон ерда юрса, бундайроқ одам саломига алик олмагандир, лекин от миниб улоққа кирса, унинг шиддатидан ер зириллаб кетарди. Нафақат мамлакатимизда, балки бошқа юртларда ҳам шу юрт шаъни учун от чоптириб, олқишлар олди. Мақтаншга йўйман-гу, бугун қишлоқ ахли Авлоёр полвон билан фахрланади. Танти чавандозлиги билан, яхши фазилатлари

Ифтихор

билан элда эъоз топди. Устоз ҳозир ҳам ўз дардини ўйламайди, шу қишлоқ, шу эл ташвиши билан яшайди. Қаердаки, ечимини кутаётган бирор муаммо бўлса, уни ҳал этишда ёшларга бош-қош. Хайр-саховат кўрсатиш бобида ҳам беназир инсон.

Бободўст полвон Холмирзаев (ўғли):

— Отнамнинг дўсти раҳматли Омон бобо Бўриев: “Йигитлик пайтларим, полвонларнинг зўри бўлганман дея олмайману, бироқ унча-мунча чавандоз менга қарши тиккасига от ҳайдаб келолмас эди. Балки гавдам ҳаддан зиёд катталигиданми, ишқилиб, салобатим бир полвонни шошириб қўйгудек эди-да. Улоқ-кўпқари десалар, ўзимни жардан ҳам отадиган пайтларим... Роса кучга тўлиб, ҳар қандай полвонни назар-писанд этмайди деган даражада зўрман, ўзимга юз фоиз ишонаман. 1958 йилнинг куз фаслида қишлоғимизда катта кўпқарили тўй бўлди. Майдонда чавандозлар от қўйишар, аммо улоқни ҳеч ким қўлимдан юлиб ололма-япти. Бир маҳал қий-чув қилиб, бир йигит тўс-тўполонда қўлимдаги улоқни бир тортишда олди-ю қочди. Очиғи қўлим, панжаларимдан кучим кетиб, ҳолдан тойиб, мадорим қурий бошласа бўладими. Ким экан бу билага зўр, деб бундай қарасам — Авлоёр. Улоқни аллақачон тўдандан айириб бўлган ва менга қараб жилмайиб турибди. Шу-шу одамлар: “Омондордан улоқни Авлоёр полвон юлиб кетибди”, деб гапириб юради. Отанг шундай зўр, танти ва ориятли полвон, унга тан бермай илож йўқ”, дер эди.

Ҳозир ҳам отнамнинг уйида яккамихда от боғлаиб туради. Невадаларини олдига олиб, отларнинг феъли, садоқатини сўзлаб, отга меҳр қўйишни, полвонлик, чавандозлик сирларини ўргатади.

Бугун 86 ёшни қаршилайётган полвон бобо шу кунларга етиб келганидан, бугунги фаровон ҳаётдан мамнун. Истиклол туфайли қаддини тиклаган қадриятларнинг қадр топаётганидан, болалигидан худди эртаққа ўхшаб кўринган мисли кўрилмаган ўзгаришлардан, бунёдкорлик ишларидан, ёшларимиз учун яратилган шарт-шароитлар, спортга, ўғил-қизларимизнинг униб-ўсишига қаратилаётган юксак эътибордан мамнун.

Турмуш ўртоғи Майрам момо (охирати обод бўлсин) билан ўтган бахтли ҳаёти давомида Бободўст, Маҳмадўст, Уктам, Ақтам, Назира, Хурсандой исми фарзандларни воёга етказди. Оқ ювиб, оқ таради, ўқимишли қилди. Барини ҳалолликка ўргатди. Ёлнинг қорига ярайдиган оқил инсонлар бўлиб улғайиши йўлида тиним билмади. Олтимишга яқин нева-чеваралари бугунги кунда полвон бўламан, чавандоз бўламан, кучли спортчи бўламан дея шахдланганида, улар қатъият билан шугулланаётганини кўрганида полвон бобонинг кўнглига шукроналик инеди. Ҳар тонг дуога қўл очганида дилида бир гап такоррланаверади: Эл-юртимиз тинч бўлсин, истиқлолимизга кўз тегмасин.

Илхом РАҲМОНОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Қашқадарё вилояти.



ХУРОФОТ – “алжираш” деган маънони англатади. Бидъат, сохта ирим-сиримларга ва ёлгон ғояларга эътиқод қилишдир.

Ҳақиқат ўз кучини йўқотган жойда хурофот илдиэ отиши шубҳасиз.

Матбуотдан

МИСТАР ВА ТРАНСПОРАНТ – чизиқсиз қоғозга чизиқ тушириш учун қалин қоғозга иплар тортиб ясалган чизгич, яъни, транспорт тарихда мистар деб аталган.

Сафҳа юзи дard жилвагоҳи, Мистар хати ҳажр шохроҳи.

(Яъни: Саҳифаларнинг юзида дард жилваланади, мистар чизиги — ҳажрнинг катта йўлидир.)

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан

ҚАЛОДА – ит бўйнига осиладиган тасмани ифодалайдиган яхлит сўзни ҳозирги пайтда учратмаймиз. Мумтоз адабиёт ва тарихда ов итларининг бўйнига боғланадиган тасма “қалода” деб аталган.

Бир чоғ неки лутф этиб арода, Солиб эди бўйунгга қалода.

(Яъни, Лайли бир пайтлар сенга лутф қилиб, бўйнингга қалода боғлаган эди.)

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан

БИБИ – сўзи адабий тилимизда ҳам, шеваларимизда ҳам фаол қўлланади. “Биби” сўзи хотин-қизлар исмининг олд ёки орқа қисмида келиб, қўшма исмларни ҳосил қилади. Бу сўз, асосан, буви маъносида, шунингдек, бека, хоним, хола, бек қизи, она, доя маъноларида қўлланади. Баъзи манбаларда хинд тилидаги “хоним” маъносини англатадиган “биби” сўзи билан тилимиздаги “биби” сўзи бир хил илдиэга эга деган фаразни ҳам илгари суради.

Бибихоним, Бибиғул, Давлат-биби, Зайнаб-биби...

Матбуотдан

БИГИЗ – пойабзалдўзларнинг кўнни, терини тешиш учун ишлатадиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби. Манбаларда таъкидланишича, қадимда “тиг” маъносини англатган “би” деган сўз бўлган, бунга мис, руҳ ва қалай қотишмаси маъносидаги “жез” сўзи қўшилиб, “бижез” сўзи ҳосил бўлган ва у “бигиз”га айланган.

Ҳунари йўқ кишидан бигизи бор ямоқчи яхши.

Мақол

Эшқобил ШУҚУР
тайёрлади.

ШАЖАРАНИ БИЛИШ ХОСИЯТИ

Теран илдишлар

“Авлодлар довони”

— Бу китоб тахминан 200 йил аввал яшаган Иброҳим шайх сулоласи ҳақида маълумот беради, — дейди **Ҳотам Агзамов**. — Бу асарни ёзишимга амаким Тўлаган Мусашайхов сабаб бўлди. Бир куни улар қариндошларимизни билишларини, ота-боболаримиз ҳақида маълумотга эга эканини айтиб қолдилар. Шунда улардан шу авлод вакиллари ҳақида сўрадим. Уруғларнинг манзиллини топиб, уйма-уй юриб маълумот тўплаганман. Мусашайх деган ўғилларининг насли ҳақида манбалар тўпладим. Китобимда сал кам 8 та авлод ҳақида маълумот бор. Ўрганишларим давомида оталаримиз шуғулланган, айни пайтда қариндошларимиз давом эттираётган қандолатчилик касби ота-боболаримиздан мерос эканини аниқладим. Шажарамизни ўрганиш давомида отам Аъзам отанинг амакилари Ҳоким отанинг авлодларини топдим. Ҳозир бу қариндошлар билан муносабатларни йўлга қўйдик. Шу билан бирга, аждодларимнинг диний ва дунёвий билимларга эга зотлардан эканини билдим.

Архивга мурожаат
этсангиз...

Ҳотам ота Агзамов каби наслу насаби ҳақида маълумотлар йиғишга бел боғлаганларга ўз яқинларини топшида Ўзбекистон Республи-


Бир оиланинг фарзандлари, неваралари худди дарахт томирлари каби ёйилиб, кўпайиб, илдиш отиб боради. Эвара, чеваралар вақт ўтиб узоқ қариндошларга айланишади. Бугун ана шу томирларни ўрганиб, узоқлашиб бораётган ришталарни мустаҳкамлашга уринаётган инсонлар бор. Шулардан бири пойтахтлик Ҳотам ота Агзамовдир. У ўз шажарасини ўрганиб, “Авлодлар довони” номли китоб тайёрлаган.

каси Марказий Давлат архиви ёрдам бермоқда.

Ғулум Одинаев,
Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви “Ҳужжатларни эълон қилиш ва улардан фойдаланиш” бўлими бош архитеграфи:

— Азалдан халқимиз ўз насл-насабини билишга қизиққан. Шу сабаб ўзлари ва аждодлари ҳақидаги маълумотларни йиғиб боришган. Аввал кутубхоналарда ёки маълум муассасаларда сақланган ҳужжатлар 1958 йилда, архивимиз ташкил топгандан сўнг шу ерда тўпланди. Архивдаги насл-насабга оид ҳужжатлар орасида ҳамма фуқароларнинг шажараси ҳақидаги маълумотларни топишнинг иложи йўқ. Ўтмишдаги зиёлилар, мансабдор ва ер эгаларигина ўзлари ҳақида маълумотлар қолдиришган.

Бизга фуқаролар хат орқали мурожаат қилиб, каталог шаклида тузилган фамилия асосида изланиш олиб боришади. Маълумотлар эски ўзбек ёзувида бўлгани сабаб архив ходимлари уларга кўмак беришади. Яқинларини ўрганмоқчи бўлган киши қариндо-



шнинг исми-шарифини билиши керак. Чунки архивимизда 3 миллионга яқин ҳужжатлар сақланади. Бугунча 25 дан ортик мурожаатлар бўлди. Архивдаги маълумотлар асосида ўз яқинларини топганлар ҳам бор.

Насл нега
бузилади?

Халқимизда “қонида бор”, “насли ўзи шунақа эди” деган сўзлар юради. Кўпгина касалликлар авлоддан-авлодга ўтиб келишини илмфан ҳам исботлаган. Шу сабаб оила қураётган ёшларнинг мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилиши,

шифокор хулосасига кўра никоҳ қайд этилиши йўлга қўйилган. Айниқса, “болам бегона кўлларга бормасин”, “ўз уруғимдаги кизни келин қилайин” деган оилаларда ногирон фарзандлар туғилиши ёки фарзандсизлик ҳолатлари учрайди. Бу эса шажарага ҳам таъсир кўрсатади.

Ғулнора Раҳимбоева,
Тошкент Тиббиёт академияси “Асаб касалликлари кафедраси” мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Тиббиётда генетик касалликларни тахлил қилиш шажара даракларининг тузилишига эътибор берилади.

Оиладаги соғлом она ва соғлом бола кўрсаткичлари констанцияси, жамиятга моддий ва иқтисодий салбий таъсир, айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида келиб чиқади. Айниқса, ака-ука, опа-сингил, амаки, тоға, холалар яқин қариндошлар ҳисобланиб, улар билан боғлиқ никоҳ хавфлидир. Бизнинг амалиётда аҳоли орасида шажара муаммоси билан боғлиқ масалалар учраб турибди. Бу масаладаги мурожаатлар, биринчи навбатда, наслий касалликка чалинган гумон қилинган беморда скрининг текширувлари ўтказилиб, диагностика қилиниб, тегишли даво муолажалари ва келажақда учраши мумкин бўлган муаммоларининг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан кўрсатмалар берилади. Наслнинг соғломлиги етти пуштининг келажагини кафолатлайди.

Тарих шуни кўрсатадики, азалдан аждодларимиз етти пуштини авлодларига ёзиб қолдирганлар. Масалан, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да соҳибқирон Амир Темурнинг аждодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ундан ташқари, шоирлар ўз насл-насабини улуғловчи шеърлар битишган. Бу ҳам маълум маънода шахснинг шажарасини аниқлашга имкон беради.

Камола АДАШБОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ЗУЛФИЯХОНИМ
КИЗЛАРИ:

Иқтидор ва имконият намоиши

Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Бугунги кунга қадар 16 нафар пойтахтимизнинг иқтидорли кизлари бу юксак мукофотга муносиб топилиб, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда ҳам танловнинг илк босқичларида Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактабларидан жами 15.564 киз иштирок этишди. Бу эса албатта, кўрик-танловнинг нуфузи ошиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳар босқичида адабиёт йўналиши бўйича 12 нафар, санъат йўналиши бўйича 11, фан йўналишида 6, таълимда 7, маданият йўналишида 17 нафар сараланган киз ғолиблик учун курашди. Уларнинг қобилияти ва салоҳияти “Олима аёллар” уюшмаси, Тошкент давлат Иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва бошқа олий ўқув юртлири профессорлари, “Камолот” ЁИХ, шоирлар ва санъаткорлар, “Камолот” ЁИХ, шоирлар ва санъаткорлар томонидан баҳоланди. Тошкент шаҳар босқичи ғолиблири республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз.

ДИККАТ, ТАНЛОВ!

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА”

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга ошириладиган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида” мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қора-

қалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет наشري аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

Танлов ғолиблирига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар “Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида” мавзусидаги ижодий танловга” деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона.

**Тел/факс: 244-14-28, 244-12-51,
www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.**

Ташкилий кўмита

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

қуйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталикларини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталикларини аниқлаш; ҳомиладорликни аниқлаш.

ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (уролог-андролог хизмати) — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Бир кунни Букротдан:

— **Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.**

— **Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби, — деб жавоб берди Букрот.**

...Дўстим уйланди. Тўйига қариндошлари, кўни-кўшнлари, маҳалладошлари, бегоналаргача борди. Ҳамма хурсанд. Улар нега бунчалик хурсанд? Бир тикувчи аёл тўрт кўча наридаги тўй учун зарур ишни ташлаб, икки кун ўчоқ бошида куймаланди. Шу вақт ичида иккита кўйлак тикканда яхшигина даромад эди-ку. Кўшниси киракаш. У ҳам хизматни кўйиб тўйхонада турди. Ҳамма икки ёшни табриклар, юзда табассум билан елиб-югуриб юрибди, улар тўй қилаётгани йўқ-ку, тўғрими?

Бундай, ўзига хос, кўзга кўринмас ришталар билан боғланган ўзаро муносабатнинг номи бизнинг халқ миллийлик, ўзбекчилик, қариндош-уруғчилик, андиша, оқибат дейди. Лекин...минг афсуски, орамизда инсон номи ва шаънига мос келмайдиганлар ҳам учрайдики, уларни ким деб аташни билмайсан. Ана шундай маҳзун ўйлар дилмни ўртаганида айни вақтда ўзидан урчиб тарқалаётган "оммавий маданият" ҳақида ўзгача ҳислар жунбушга келди.

Кузатиб турибмизки, "оммавий маданият" деб ном олган дахшатли хавф-хатар дунёдаги ҳеч бир аънанани, қадриятни тан олмаяпти. Ўзига мос келмайдиган ҳар қандай урф-одатларни эскилик сарқитига чиқариб қўймоқда.

Мамлакатимизда минг йиллардан буён илм-фан, маънавият, маданият ривожланиб келмоқда. Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек каби буюк боболаримиз ёқиб кетган чироқлар

ҳамон инсонлар дилини, йўлини ёритаётди. Аммо қуришдан кўра бузиш осонроқ. Ёшлар онгига таъсир қилиб, жимжамдор шиорлар, кўзни қувнатидан либослар, таниқли актёрлар воситасида ўз мақсадларига етишмоқчи бўлаётганлар бугунги кунда баравж фаолият олиб бормоқда. Уларга қарши жилла

Оқибати яхшилик билан тугамайди. Ана шу оддий ҳақиқатни унутмаслик керак.

Глобаллашув тўғрисида турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган мана шундай ғаразли хуружлар торабора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр

тошни ҳам ёради" деб бекор-га айтишмаган. Ёки беҳаёлик, ваҳшийлик, буюклик, олийлик даво қилиш ҳолатлари кўпчилик учун оддий ҳолга айланаётгани ҳам ҳақиқат.

— Яқинда дарс бошланиб, синфга кирсам, бир ўқувчи репга тушаётган экан, — дейди немис тили ўқитувчиси Икром Ҳакимов. — Кирганим-

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ОММАЛАШМАЙДИ

қурса улардек фаол ҳаракат қилишни ўйлаб кўришни ҳар доим масъул мутаассаддиларга юклаймиз. Ва бу мавзуга бағишлаб турли кўришдаги тадбирларни уюштирамиз.

Ойнаи жаҳондаги бахсу мунозараларда ҳам, маҳаллалардаги йигинларда ҳам одатдагидек, ҳаммиша фаоллар қатнашади. Ҳўш, бошқалар-чи? Нега улар бундай долзарб мавзулардаги суҳбат-мулоқотларда нуқул томошабинлик қилишади? Нима, бу жараён уларга, қолаверса, оиласи, хизмат жойи ёки маҳалласи ахлига дахлдор эмасми?

Айримлар, азалий бир ҳикматни унутиб қўйгандек гўё: шифокор хато қилса... беморнинг холи не кечини ҳаммамиз яхши биламиз, лекин олим, ижодкор, сибсатчи, файласуф, борингки, гошчинос хатога йўл қўйса-чи?..



бўлиб яшаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Бугун ҳеч ким юртимизда содир бўлаётган оламшумул ўзгаришларга бир четда томошабин бўлиб қараб туришга ҳаққи йўқ!

Эътибор берганмисиз, мактаб ўқувчисининг рок, реп ҳаракатларини беихтиёр тақрорлаётганини кўрсак, ажабланмаймиз. Барбисифат кийимий олган қизалоқнинг ҳархашалари бизга эриш туюлмайдди. Айтишга арзимайдиган (аслида, арзийди) бундай кўнгилсиз ҳолатлар маънавиятимизга соя солиши мумкин-ку. Аждодларимиз бежиз “Доимий томиб турган томчи

ни ўқувчилар сезишмади ҳатто. Эҳкин қаттиқ ёпганидан кейингина менга эътибор қаратишди. Ҳалиги ўқувчи бепарволик билан менга қараб:

“Майкл Жексонга ўхшатишми устоз?” дейди кулиб. Ундан олдин кўчада икки боланинг компьютер ўйинларида йиққан очколарини бир-бирига мақтаниб гапирётганига гувоҳ бўлган эдим. Роситини айтсам, ўша кун дарсимиз немис тили эмас, маънавият дарсига айлиниб кетди.

Бу воқеаларни чуқур таҳлил қилсак, ҳар бир нарсага эркинлик берадиган “оммавий маданият” ниқобининг тагидаги асл мақсад яққол кўринади. Аслида “оммавий маданият”га асосида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқ миллий маданияти-

Мушоҳада

га ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятларга йўғрилган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё каби нозик тушунчалари ҳаётимизга қоришиб кетган. Айниқса, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари тўйгуларимиз бутун дунё халқларини ром этиб келади.

— Ишга барвақтроқ борадиган бўлдим. Соат эрталаб-ки еттиларга бекатга келиб бир болакайнинг интернет клуби эшиги олдида очилишни кутиб, қунишиб турганини кўриб қолдим, — дейди Воҳид Жуманқулов. — Совқотиб кетган болакайга рости, жоним ачиди. Ота-онасининг бефарқлигидан, фарзанддек неъматнинг қадрига етмагандан жahlим чиқди...

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис “оммавий маданият” таҳдидига қарши тура олиш тобора долзарб аҳамият касб этаётди. Бугун турли йўллар билан ҳар хил “эзгу” ниқоблар остидаянганги фильмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга “мажбур” қилаётган компьютер ўйинлари ёвузликни тарғиб этса, интернет оламида аёл ва эркакларга лаззатланиш ҳақида берилётган “энг яхши маслаҳатлар” фаҳш ҳамда бузуқлик кўчаси сари чорлайди. Буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросни, мардлик ва жасоратни аллақандай “оммавий маданият”га алмаштиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, бўлмайди ҳам.

Аҳад ЖУМАНҚУЛОВ.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Боланинг бегонаси бўлмайди, деган гап бежиз айтилмаган. Фарзандларимизнинг ақли, билими ва заковати бўлиб ўсишида, уларни эл-юрт қорига камарбаста қилиб тарбиялашда оила билан бирга маҳалла, таълим муассасасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шу боис бугунги кунда оилаларни мустаҳкамлаш, ҳар бир хонадонда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш борасида давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилаларни кузатиш ва ўрганиш жараёнида фарзандлар тарбиясида йўл қўйилаётган хатолар сабаби ўрганилиб, уларнинг олдини олиш бўйича ҳам ўзаро ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Айрим хонадонларда фарзандларга бефарқ, лоқайд қарашлар натижасида ўғил-қизлар жоҳиллик, қабиҳлик, осийишта ҳаётга раҳна солувчи турли оқимларга эргашувчи ақидапараст бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Натижада эртага жамиятда носоғлом оилаларнинг вужудга келиши хавфи ортади. Шу боис ёшларни оилага тайёрлаётганда уларни бундай нохуш ҳолатлардан асраш учун авваломбор, ҳар бир ота-она ва шу хонадон атрофидаги қариндош-уруғлар, маҳалла бирдек масъулиятни ҳис этишлари керак.

Бўлимимиз ҳам хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари, соғлиқни сақлаш бўлими, маҳалла жамоат фонди билан ҳамкорликда оила муносабатлари, қонуний оиланинг аҳамияти, унда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлар ўртасида туғилган фарзандларнинг келажаги, соғлиги, фарзандлар тарбиясида ота-онанинг жавоб-

гарлиги борасида аҳолига содда ва тушунарли тарзда, ҳаётий мисоллар асосида тарғибот ишларини олиб бораёلمиз.

ФХДЭ бўлимлари тарғибот ишларидан ташқари, маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда, никоҳдан ўтмасдан шаръий никоҳ билан яшаб келаётган фуқароларнинг сони ва рўйхатини аниқлаб, уларнинг қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётганлиги сабаби аниқлаштирилиб, қонуний никоҳларни қайд этиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Аҳоли ўртасида, айниқса, хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида мустаҳкам оила қуриш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли

асосда тушунтириш ишларини ташкил этиш юзасидан ФХДЭ органлари туман хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган иш режа асосида “Ёш оила қурувчилар” мактаблари ташкил этилган бўлиб, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида суҳбатлар уюштирямиз. Ушбу мактабни ташкил этишдан мақсад ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, Оила қонунийлиги, унинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи борасида етарли маълумотлар бериш, оила ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришдан иборат.

Миллий қадриятларимизга таянган ҳолда оқила ва зукко қизларни тарбиялаш, уларни оилага тайёрлаш бўйича мутахассислар иштирокида таълим муассасалари ва маҳаллаларда олиб борилаётган суҳбатлар аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Умида ЖАЛИЛОВА,
Сергели тумани ФХДЭ бўлими мудири.
Тошкент шаҳри.

ЭР-ХОТИНДАН БИРИ ВАФОТ ЭТСА...

Турмуш ўртоғининг вафот этганига бир йил бўлди, қайта уйланмоқчиман, бизнинг ўртаимиздаги никоҳ қай тартибда тугатилиши мумкин?

С.Маматов

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасига биноан, эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

Сиз ушбу ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Улар томонидан никоҳингизни тугатиш юзасидан қарор чиқарилади.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА АСОСАН

Аёлим фарзандимизни дунёга келтириб, вафот этди. Унга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олмақчиман, ўзимнинг аризам билан ҳам оталик белгиланиши мумкинми?

Э.БЕКЖОНОВ,
Чортоқ тумани.

Оила кодексининг 207-моддасига кўра, “Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Она вафот этган ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, шунингдек, онанинг қаерда эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганда ота тўғрисидаги ёзув отанинг аризасига кўра ва сийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёзилади”.

Сизнинг аризангиз билан суднинг ҳал қилув қарорига асосан туғилиш далолатномаси ёзилган жойда туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида бел тўғрисидаги маълумотлар киришти йўли билан оталик белгиланади.

Саволларга Чортоқ туман ФХДЭ бўлими мудири Наргиза СОЛИЕВА жавоб берди.



ТАБАССУМ ҲАМ МУКОФОТ АСЛИ

...Пулингни бошимга урамни. Ундан кўнгил тўлармиди. Эҳ, сен бир ботмон тилладан кўра кўнгил кўтариш қимматлироқ эканини тушунармидинг!

Пўлат отанинг ўғлидан дили оғриди. Келиб бир оғиз хол сўрамайдиган боласидан хафа бўлади. Кеча дўппини бундоқ бошидан олиб ўйласа, асида ўзиям бировга кулиб боқмас, кўни-кўшидан ха деганда хабар олмас экан. Айниқса, охири марта қачон бировга табассум қилганини эслолмади ҳам...

Биз айбни доим бошқалардан қидириб ўрганганмиз. Ҳадеб камчилик излагандан кўра ўзни оқлайвериш осон. Баъзида одам ёлғиз қолиб ўйлайдиган пайт ҳам бўлиши керак. Жамият ҳақида, ўзи ҳақида, ўзгаларга етказётган зиёни-ю, келтираётган нафи ҳақида инсоф билан мулоҳаза қилиши керак.

Мутахассисларнинг фикрига кўра ёмон феъл ва хўмрайиб юриш одамни эрта қаритар экан. Шунинг учун очик чехра билан юришга одатланиш керак. Утган буюқларимиз серкулгў эмас, сертабассум бўлишган. Бунга мисолларни истаганча келтириш мум-

кин. Айтишларича, улуғ аллома Ал Бухорий ҳазратлари ҳеч қачон беҳуда тортишмас, кимдир хато қилса уни уялтирмаслик учун айбини яширар, жилмаяр, хатола-



рени тўғрилар, аммо ҳеч қачон юзига солмас, ҳатто қайтиб эсламас экан.

Биз табиийки, бундай мукамалликка эришмоғимиз мушкул. Сабаби, кўп бора кузатганмиз, ўзгалар айбини бир йилдан кейин ҳам айтиб юриш билимдонлигимизни ёки зўрлигимизни исботловчи омилдек туюлади гўё.

Одамларнинг камчилигини шунчаки кечириб юбориш, биронинг кўнглини кўтаришга азбаройи ҳушимиз йўқлигидан



Ойна

хўмрайиб юрамиз. Дунёда неки дард бўлса, дилхираликдан, хафалиқдан, адоват ва кекдан пайдо бўлади. Неки даво бўлса, аввал бошида хушқайфият туради. Польшада кулиб, жилмайиб юрганларга орден берилар экан...

Азиз замондошлар, кулиб, очик чехра билан юриш унчалик қийин иш эмас. Бахт гўзалликдан, тинчликдан қувватланади. Сизда кенг феъллик, осойишталик, хотиржамлик кайфияти барқарорми, демак, ҳаётингиз янада қувончли бўлиши тайин. Умр шундоғам қисқа. У ўзгаларга ҳасад қилиб, талашиб-тортишиб юриш учун жуда камлик қилади.

Агар эътибор берган бўлсангиз бадфеъл одамларни кўрганда "намунча сўхтаси совуқ бўлмаса", деган ўй кўнгилдан ўтади. Чунки ёмон феъли уларнинг юзига уриб кетган бўлади. Истараси иссиқ одамларнинг эса ҳамиша чехраси очик бўлади, самимияти юз-кўзидан билиниб туради.

Кўзуга қараб, аввал ўзингизга табассум қилинг. Кейин оилангиздагиларга, атрофдагиларга хуш қайфият улашинг. Очик чехра, жўшқин қалбга фақат эзгуликлар, бунёдқорликлар ярашади.

Шоҳиста ЖУМАОБОВА.



ТОРТ ФАҚАТ ШИРИНЛИКМИ?..

Ҳаммага маълумки, торт тўй, туғилган кун, байрам ёки бошқа хурсандчилик муносабати билан ёзилган дастурхонларнинг безаги ҳисобланади. Айниқса, ширинликсевар болажонларнинг жони дили.

Аваллига оддий юпқа ва юмшоқ патирлар қатламасидан таркиб топадиган тортлар эндиликда талаб ва истакларга кўра, моҳир қандолатпазларнинг эпчил қўлларида санъат асарига айланмоқда. Никоҳ бозмларида ҳар хил ҳажмда, бир неча қават уйларга ўхшайдиган дейсизми, икки ёшнинг рамзий ҳайкалчалари шаклида дейсизми, эркин сузаётган оққушларнинг парвозга шайланиб, қанот қоқётган ҳолатларими, хуллас, тўй соҳибларининг истакларидаги ажойиб композициялар гувоҳи бўлаемиз.



Ўзимизнинг телевидение, хусусан, "Sport" телеканали орқали намойиш этилган "Биз бир жамоамиз!" туркумидаги ижтимоий роликлардан бирини "Пахтакор" марказий стадионининг шакли туширилган чиройли тортнинг тайёрланиш жараёни намойиш этилганини кўрганмиз.

Тортлардан қўлда отиладиган қурол сифатида фойдаланувчилар ҳам тез-тез учраб туради. Масалан, баъзи мамлакатларда жамоатчилик норозилиги ёки эътирозини билдириш, намойиш қилиш мақсадида таниқли кишиларнинг юзларига торт бўлақларини отишади. Бу галати анъанага "Халқаро пишириқлар жамоаси" ҳаракати етакчиси, бельгиялик Ноэль Годен асос солган. Мазкур ҳаракат фолларининг ширин "ўқ"ларидан Microsoft корпорацияси асосчиси Билл Гейтс, Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Мишель Камдессо, кинорежиссёр Жан-Люк Годар ва бошқа таниқли шахслар "жабр" кўришган.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган суратга қараб, уларнинг торт эканлигини дарҳол англаш осон эмас. Аммо бу ҳақиқат. Яъни, қандолатпазларнинг "ижод" маҳсули.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

“ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ” ЖАМОАСИ

ҳар шанба соат 12⁰⁰ – 17⁰⁰, якшанба кунлари соат 17⁰⁰ да ўзбек циркининг юлдузлари, халқаро ва Ўзбекистон давлат мукофотлари совриндорлари иштирокида катта цирк дастурларини намойиш этмоқда.

Махсус дастур асосида тайёрланган томошалар Тошкент Давлат циркининг моҳир акробатлари, кўзбойлоғичлари, ҳайвон ўргатувчилари, масхарабозу қизиқчилари ҳамда дорбозлари иштирокида намойиш қилинади.

Муҳтарам ота-оналар! Маза қилиб ҳордиқ чиқаришни, фарзандларингиз қувончига шерик бўлишни истасангиз, марҳамат, ажойиб томошалардан иборат дастурларимизга ташриф буюринг!



Мурожаат учун
телефонлар:
244-35-94,
244-35-91.

“ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЦИРКИ”
маъмурияти.

Хизматлар лицензияланган

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реплама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмажонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма
Г — 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Ада-
ди — 4333. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5